



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 11 май, № 97 (7327)

Шанба

Сайтимиғга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Хайрли ташаббуслар юртимизга ёғилаётган Эзгулик нурини зиёда этади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 май кuni Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.



ENG MUHIM VAZIFA- YOSH AVLODGA PUXTA TA'LIM BERISH, ULARNI MA'NAVİY YETUK INSONLAR ETIB

Давлатимиз раҳбари дастлаб Шайхонтоҳур туманидаги "Сузук ота" мажмуасига ташриф бурди.

Муқаддас ислом динининг эзгу амалларини эъзозлаш, улуг алломаларимиз меросини тиклаш, қадимжоларини обод этиш борасидаги хайрли ишлар муборак Рамазон ойида эзгулик нуруларини янада кўпайтиради.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳар йили Рамазон ойида ислом динининг асл моҳиятини тарғиб этиш, илм-фанини ривожлантириш, эътиқод эркинлигини таъминлаш, мўмин-мусулмонлар учун кенг шароит яратиш бўйича янги-янги ташаббуслар рўйбега чиқарилаётган. Хусусан, ўтган йили Рамазон хайитида Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази қурилишига тамал тоши қўйилди.

Айни муқаддас Рамазон кунлари "Сузук ота" мажмуаси тўла фойдаланишга топширилгани пойтахт аҳолисига ўзгача тўхфа бўлди.

Сузук ота зиёратгоҳини яқин-яқингача кўпчилик билмас, маҳалла ичида қолиб кетган макбара ва эски масжид қаровсизликдан зах тортиб, нураб ётган эди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 26 май кuni "Сузук ота" мажмуасида бўлиб, макбара ва масжиднинг реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш бўйича топшириқлар берган эди. 2018 йил 9 февралда қурилишнинг бориши билан танишиб, мажмуа ёнида хунармандлар маркази ва кутубхона барпо этиш бўйича кўрсатма берди. Шундан сўнг амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари тарихий обидаларга янги ҳаёт бахш этди.

Макбара ва эски намозхона тубдан таъмирланиб, масжид, иккита минора барпо этилди. Мажмуага кираверишда музей, кутубхона, маҳалла идораси ва бошқа объектлар қад ростлади. Фавворалар ўрнатилиб, қарийб 8 гектарлик майдон ободонлаштирилди. Макбаранинг икки томонида хунармандлар учун ҳар бири 4,5 сотикли ўттизта коттеж барпо этилди.

Худудда зиёратчиларнинг хордик чиқариши учун айвонлар қурилди. Уларнинг ёғоч устунлари, равоқлари нафис ўймакорлик намуналари билан безатилди. Макбара ва بناюлар сирти, эшик-ромлар, тоқларга турфа рангларда нақшлар билан миллий менталитетимизга мос зеб берилди.

Хўжа Аҳмад Яссавийнинг набираси бўлган Сузук ота Яссавий тарикатининг пешвоси, ўймакор уста бўлган. Юзлаб шогирдлар тарбиялаб, хунар ўргатган. 1363-1364 йилларда буюк бобоқалониимиз Амир Темир Сузук ота қабри устида макбара ва масжид бунёд эттирган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида бебаҳо ёдгорлик ўзининг тарихий қиёфасини сақлаган ҳолда янги маҳабатли табаррук зиёратгоҳга айланди. Бугун бу ерда келганлар мажмуанинг бетакрор салобатидан улкан маънавий-руҳий қувват олади.

Президентимиз ушбу бунёдкорлик ишлари билан танишди. Макбара зиёрат этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Шу ерда диний уламолар ва нурунийлар билан суҳбат бўлиб ўтди. Шавкат Мирзиёев уларни Рамазон ойи билан яна бир бор таб-

риқлаб, янгилаган мажмуанинг шундай улуг айём кунларида очилиши хайрли эканини таъкидлади.

Шайхонтоҳур қадимдан Тошкентнинг хунармандлик ривожланган масканларидан бўлиб келгани, аждодларимизнинг эзгу анъаналарини бардавом сақлаш юртимизда қадимий хунармандлик турлари билан бирга, сайёҳликни ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Бошқалар йўқ тарихини бор қилишга ҳаракат қилади. Биз буюк тарихимизни, алломаларимиз меросини халқимизга, ёшларимизга тўлиқ етказиб беролмадик. Узғилгимизни англаш нуқтани назардан шундай жойларга эътибор берсак, бунга ҳамма эътибор қаратади, деди давлатимиз раҳбари.

Бу ердаги хунармандлар уйлари шу маҳаллада яшовчи уста-хунармандларга берилди. Улар дурадгорлик, мискарлик, мусика асбоблари ясаш, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, бешикчилик, қурувчилик, қосиблик каби ота-боболаридан мерос хунарлар билан шугулланиб келмоқда.

Президентимиз хунармандлар уйлари, ёғоч қирмачилик ва хаттотлик устаконаларини қуриб қурди. Икки қаватли бу хонадонларнинг биринчи қавати устакона ва дўкон учун ажратилган. Бу ер ўзига ҳос хунармандлик маркази бўлиб, мажмуа билан бирга ноёб туризм масканига айланади.

Хунармандлик — ҳалол касб. Бугунги кунда энг катта вазифамиз — иш жойлари яратиш. Хунармандларга шароит яратсак, ҳам ўзини боқадим, ҳам бошқаларни иш билан таъминлайди. Шогирдлар тарбияласа, қанча ёшлар хунари бўлади, ўз тадбиркорлик ишлари очиб, даромад топади, деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент шаҳрининг тарихий қиёфасини сақлаб қолиш, бунда Шайхонтоҳур туманининг хунармандлик ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги қадимий ролига урғу бериш юзасидан тавсиялар берилди.

Давлатимиз раҳбари Чилнозор туманидаги Богистон кўчасида барпо этилаётган кўп қаватли уйлари бориб қурди.

Бугун халқимиз турмуш шароитини янада яхшилаш йўлидаги ислохотлар ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллага кириб борапти. Тошкент шаҳрида ҳам кўп қаватли уйлар, замонавий мактаб, болалар боғчалари, савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари, автомобиль тураржойлари барпо этилмоқда.

Богистон кўчасидаги уйлари қурилиши бошланганига кўп бўлгани йўқ. Президентимиз 2018 йил 21 декабрь кuni бу ерга келиб, қурилиш макетлари билан танишган, зарур кўрсатмалар берган эди. Орадан беш ой ўтиб, бу ерда замонавий тураржой маззеи бунёд этилди.

Умумий майдони 5,6 гектар бўлган худудда жами 24 та 9 қаватли уй барпо этиш режалаштирилган. Айни пайтда 17 та уй қурилиши якунланиб, ички ва ташқи пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарига уйлари қурилиш технологияси, сифати ҳақида маълумот берилди.

Уйлар 100 фоиз юртимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланиб, инновацион усуллар асосида барпо этилмоқда. Деворлар қўшимча материаллар

билан қоплангани иссиқликни сақлаш ва 70 фоизгача энергияни тежаш имконини беради. Иситиш ва совитиш тизими ҳар бир хонадонда мустақил бошқарилади. Энг муҳими, уйлар яшаш учун тайёр ҳолда топширилади.

Президентимиз қуриб битказилган хонадонлардан бирини кириб қурди. Кенг, баланд, шинам, қулай уйлар шаҳарсозликнинг янги намунаси бўлади ва одамларга янги ҳаёт тарзи турмуш кечириш имконини тўхфа этади.

Бундай уйлари сифати, энергияни тежаш, зилзилабардошлиги халқимизга жуда маъқул бўлмоқда. Шу тажриба асосида мамлакатимизнинг бошқа худудларида ҳам тураржойларни қўпайтириш зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Айни пайтда уйлар сотуви бошланган. Мижозлардан "call маркази" орқали 24 соат давомлада ариза қабул қилиш ва махсус дастур асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Тураржой мажмуасида "ақли шаҳар" концепцияси асосида аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг янги тажрибаси қўлланилади. Яъни уйларда электр, сантехника ёки бошқа масалада бирор муаммо пайдо бўлса, бу ҳақда марказий бошқарув пультага хабар боради ва тезкор ғуруҳ зудлик билан етиб келади.

Лойиҳага кўра, худудга тугаш бир километрга яқин йўл ва Бўзсув канали атрофида велосипед йўлиги, болалар майдончалари, дам олиш жойлари, фавворалар, музқаймоқхоналар ташкил этилади.

Президентимиз шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф номидаги мажмуада амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили февраль ойида ушбу мажмуа лойиҳаси билан танишиб, уни янада такомиллаштириш, бунда халқимиз ва уламоларнинг тақлифларини ҳам ўрганиш бўйича топшириқлар берган эди.

Мажмуада қисқа вақтда улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 2 минг кишига мўлжалланган масжид, анжуманлар зали, музёб, кутубхона, макбара, таҳоратхона ва бошқа ёрдамчи хоналар бунёд этилди. Фаввора қурилиб, замонавий ўриндиқлар ўрнатилди.

Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф 1952 йил 15 апрель кuni Андижон вилоятида таваллуд топган. Жуда қийин ва мураккаб даврда Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий лавозимида ишлади. У киши фаолият кўрсатган йиллар исломий илмлар, диний қадрият ва анъаналар қайта тикланган давр сифатида тарихимизда алоҳида ўрин тутди.

Муфтий вазифасида у киши халқаро микёсда кенг фаолият юритиб, кўплаб ислом мамлакатлари билан маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш йўлида хизмат қилди. Улуг ватандошимизнинг дунё мусулмонлари орасидаги обрў-эътибори жуда баланд эди. У Жаҳон мутафаккир уламолари йиғини Ижроия кўмитаси, Жаҳон мусулмон уламолари халқаро уюшмаси, Жаҳон ислом уюшмаси каби нуфузли ташкилотлар, Иордания қиролик академияси аъзоси, Миср Араб Республикасининг "Нил лаври" олтин

нишни совриндори бўлган. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, замонавий тарихимизда исломий илмлар бўйича ҳеч ким бу даражада юксак мавқега кўтарилмаган.

Улуг аллома диний-маърифий мавзуларда 100 дан зиёд китоблар ёзган. Шайх ҳазратларнинг ҳикматга тўла сўзлари, суҳбатлари, радио ва телевидение, матбуот саҳифаларидаги чиқишлари юртошларимиз қалбидан чуқур жой олган.

Президентимиз бу масжид шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф номига муносиб бўлганини таъкидлади. Ҳазратнинг илмий меросини ўрганиш, маърифат ва одоб-ахлоқ мавзуларида кўпроқ китоблар chop этиш, жамиятимиздаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар берилди.

Шавкат Мирзиёев "Тошкент" автовокзалидан бўлиб, бу ерда амалга оширилган ишлар ва йўловчилар учун яратилган шароитлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10 январдаги "Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Тошкент шаҳридан вилоятлар марказлари ва қўшни давлатларга автотранспорт қатнови йўлга қўйилди. Ташландиқ ҳолга келиб қолган "Тошкент" автовокзали таъмирланиб, йўловчилар ва мамлакатимизга келаётган сайёҳлар учун қўлпақ қулайлик яратилди.

Айни пайтда автовокзалда бир вақтнинг ўзида 2200 йўловчи хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Вокзал сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда замонавий VIP-зал, она ва бола, тиббиёт хоналари, намозхона, мехмонхона, ҳайдовчилар учун дам олиш хонаси, диспетчерлик хизмати, дўконлар, кафе-бар ташкил этилган. Имконияти чекланганларнинг вокзал худудида эмин-эркин ҳаракат қилиши учун ҳам шароит яратилган. Иккитадан лифт ва эскалатор, махсус пандуслар шулар жумласидан.

Ҳозирги кунда "Тошкент" автовокзалдан Россиянинг Нижний Новгород, Қозон, Қозоғистоннинг Нур-Султон, Чимкент, Туркистон, Қизил ўрда, Олмаота, Ушқунур, Тароз, Еттисай, Қирғизистоннинг Бишкек, Тожикистоннинг Хўжанд шаҳарларига автобуслар қатнамоқда. Улар хизматидан кунига мингтагача йўловчилар фойдаланади.

Бундан ташқари, маҳаллий йўналишларда кунига 10 дан ортиқ қатновлар амалга оширилади. Узок йўналишларга чиқарилган олдиндан сотиш йўлга қўйилган. Ҳар бир автобус йўналишига чиқилган аввал тўлиқ техник, ҳайдовчилар эса тиббий қўриқдан ўтади. Автобусларнинг санитар ҳолати ҳам доимий назоратда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитни кўздан кечирди. Халқаро тажриба асосида автобус ҳайдовчилари малакасини ошириш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Президентимизнинг 2018 йил 5 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқирисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан хорижий давлатларга вақтинчалик ишлаш учун кетаётган фуқароларни ўз манзилига хавфсиз етказиб қўйиш мақсадида "Uzautotrans Service" корхонаси ташкил этилди. Корхона паркинчи замонавий автобуслар билан таъминлаш учун Хитойнинг "Zhengzhou Yutong Bus Co. Ltd." компаниясидан 168 та замонавий автобус харид қилинди.

Шу ерда мамлакатимизнинг транспорт-логистика тизимини ривожлантириш, халқаро ва шаҳарларга автобус йўналишлари, автовокзал ҳамда автостанцияларни такомиллаштириш лойиҳаларини тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Учтепа туманидаги 238-умумий ўрта таълим мактабининг янги ўқув биноси билан танишди.

Мазкур таълим муассасаси 1969 йилда қурилган. Мактабларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастур асосида 2006 йилда жорий таъмирдан чиқарилган бу муассасадан 2600 дан зиёд ўқувчилар икки сменада таълим олади.

Янги ўқув биноси қурилишига 2 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағи сарфланди. У 240 ўринга мўлжалланган. Кутубхона, мусика, технология, инглиз тили, тасвирий санъат каби 12 ўқув хоналари замонавий жиҳозланган. "Ешлар театр студияси", "Еш ижодкорлар", "Халқ чолгу асбоблари", "Дастурлаш ва компьютер сабоқлари", "Тадбиркор қизлар", тикучилик ва бичувчилик тўғрисидаги ўқувчилар ихтиёрида. Кутубхонада Wi-Fi худуди ташкил этилган бўлиб, ўқувчилар электрон ва аудио-китоблардан бемалол фойдаланиши мумкин.

Президентимиз янги бинодаги шароитларни кўздан кечирди. Таълим тизимида замонавий ўқув дастурларини жорий этиш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда Тошкент шаҳар халқ таълими муассасаларининг бугунги аҳволи, мактабларнинг моддий-техника таъминоти бўйича маълумот берилди.

(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 18 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги 510-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 616-1-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 263-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда) **9-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларини ва Сенатда доимий асосда ишлаган Сенат аъзоларини ваколатлари муддати тугаганидан кейин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тарқатиб юборилган тақдирда ишга жойлаштириш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзоларининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади».

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Давлат-хусусий шериклик тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 26 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 3 майда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат-хусусий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.
Ушбу Қонуннинг амал қилиши махсуслот тақсимоти тўғрисидаги битимларга ва давлат харидлари соҳасига нисбатан таътиқ этилмайди.

2-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.
Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
давлат-хусусий шериклик — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришга асосланган ҳамкорлиги;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси — иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этишга қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва (ёки) илгор бошқарув тажрибасини жорий этиш асосида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси — давлат шериги ва (ёки) хусусий ташаббуслор томонидан тайёрланган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишни ҳал этишга доир таловни асослаб берадиган, ушбу лойиҳанинг қийматини ва тавсифини белгилайдиган, уни амалга оширишни самардорлиги ва долзарблиги асосларини, асосий таъсирфакторлари ва ўзига хос хусусиятларини, шунингдек жалб қилинадиган инвестицияларнинг қайтарилишини таъминлаш механизмларини ўз ичига олган ҳужжат;

давлат-хусусий шериклик объекти — лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, фойдаланилиши ва хизмат кўрсатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини рўйбега чиқариш ижтимоий амалга ошириладиган мол-мулк, мулккий комплекслар, ижтимоий инфратузилма, шунингдек давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар;
давлат-хусусий шериклик объектидан эркин фойдаланилиши учун тўлов — давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат-хусусий шериклик объектидан фойдаланиш (уни эксплуатация қилиш) ва (ёки) ушбу объектга хизмат кўрсатиш даврида ундан эркин фойдаланилишини таъминлаганик учун хусусий шерикка давлат шериги томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

давлат шериги — Ўзбекистон Республикаси бўлиб, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган бошқа органлар (ташкилотлар) ёки уларнинг бирлашмалари унинг номидан иш юритади;

фойдаланганлик учун тўлов — товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчилардан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш доирасида хусусий шерик томонидан йиғиб олиннадиган тўловлар;

хусусий шерик — Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларида мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган тадбиркорлик фаолияти субъекти ва шундай субъектларнинг бирлашмаси.

(Давоми 3, 4, 5-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Баъзи давлат органилари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида**»ги 837–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **9-модданинг иккинчи қисмидаги:** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

3) 21-модданинг:

тўртинчи қисми ўзбекча матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «минерал ва термал сувлар бўйича — ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш органилари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **30-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳамда ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **41-модданинг иккинчи қисмидаги** «ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар «ичкилик сувидан фойдаланишни назорат қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **44-модданинг иккинчи қисмидаги** «ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар «геология ва минерал ресурслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида**»ги 924–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2017 йил, № 4, 136-модда; 2018 йил, № 7, 486-модда, № 10, 672-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **17-модда иккинчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **унинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: «Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланлиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига судлар ташаббуси билан киритилган мурожаати ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқида»;

унинчи – тўққизинчи хатбоши тегишгина **тўртинчи – ўнинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

2) 26-модданинг:

ўн биринчи хатбошис куйидаги мазмундаги **ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«қонунлари шарҳлаб беришни талаб этувчи масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимномалар киритади»;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланлиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига судлар ташаббуси билан киритилган мурожаати ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми кўриб чиқиши учун тақдимнома киритади»;

ўн иккинчи – йигирманчи хатбошилари тегишгина **ўн унинчи – йигирма биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган 927–XII-сонли Қарори билан тасдиқланган **Суд, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ходимларининг мансаб даражаларни тўғрисидаги низомага** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 164–II-сонли Қарори таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 12-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 134-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2017 йил, № 6, 299-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **номи** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд тизими ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низома»:

2) **1-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази (бундан буюн матнда Марказ деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби (бундан буюн матнда Олий мактаб деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **2-моддадаги** «Марказ» деган сўз «Олий мактаб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **3-модда** «махсус унвонини» деган сўзлардан кейин «ва мансаб даражасини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **4-модда** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Мансаб даражалари:

- 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси – Кенгаш раисига;
- 2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси – Олий мактаб директорига;
- 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси – Департамент директорига, Олий мактаб директорининг ўринбосарига;
- 1-даражали адлия маслаҳатчиси – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди котибияти мудирига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди бошқармалари бошқаларига, Кенгаш котибига, Олий мактабнинг кафедра мудирига, кафедра профессорага, кафедра доцентига, Департамент директорининг ўринбосарига;
- 2-даражали адлия маслаҳатчиси – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта экспертларига, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бошқарма бошқалари ўринбосарларига ва бўлим бошқаларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг, Олий суди раисининг ёрдамчиларига, Кенгашнинг етакчи инспекторларига ва биринчи бўлими мудирига, Олий мактабнинг бўлим бошқаларига, кафедра ўқитувчиларига, Департаментнинг бўлим ва ҳудудий бўлимлари бошқаларига;

3-даражали адлия маслаҳатчиси – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг экспертларига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати котибиятининг бошлиғига, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бўлим бошқалари ўринбосарларига, бош ва катта консультантларига, Кенгашнинг архив мудирига ва девонхона мудирига, Олий мактабнинг юрисконсултига, бош ва етакчи мутахассисларига, Департаментнинг бош мутахассисларига, кадрлар бўйича бош инспекторига ва юрисконсултига;

1-даражали юрист – Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг бўлим бошқаларига, бош мутахассисларига, судья катта ёрдамчиларига, Олий мактабнинг девонхона мудирига, архив мудирига;

2-даражали юрист – Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг катта мутахассисларига, девонхона мудирига, судьялар малака ҳайъатлари котибларига, Департамент ҳудудий бўлимларининг бош мутахассисларига;

3-даражали юрист – туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, ҳудудий Ҳарбий судларнинг судья ёрдамчиларига, девонхона мудирига берилди»;

6) **5-модда** куйидаги таҳрирда баён этилсин: «5. 1, 2 ва 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси мансаб даражалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилди. 1, 2 ва 3-даражали адлия маслаҳатчиси, шунингдек 1, 2 ва 3-даражали юрист мансаб даражалари:

Кенгашнинг ва Олий мактабнинг ходимларига – Кенгаш раиси томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг девони ходимларига – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи турувчи судларнинг девонлари, Департамент ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси томонидан берилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси, Олий судининг раиси, Кенгаш раиси ушбу Низоมนинг 4-моддасида назарда тутилган лавозимни штат жадалиде мавжуд муайян лавозимга тенглаштиришга ҳамда 1-даражали адлия маслаҳатчиси ва унчага бўзиман мансаб даражасини беришга ҳақли»;

7) **6-моддадаги** «Марказ» деган сўз «Олий мактаб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **7-модда** куйидаги таҳрирда баён этилсин: «7. Судларга, Кенгашга, Олий мактабга, Департаментга ва унинг ҳудудий бўлимларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ва бошқа ташкилотлардан ишга ўтган ходимларга мансаб даражалари улар қайси лавозимга тайинланганлиги, билими ва иш таърибаси, шунингдек илгариги иш ёки хизмат жойида берилган махсус унвонлари ва мансаб даражалари ҳисобга олинган ҳолда берилди»;

9) **9-моддадаги** «Юридик мутахассислик бўйича иш таърибаси» деган сўзлар «Иш таъри» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **10-моддадаги** «Марказ» деган сўз «Олий мактаб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **11-моддадаги** «Марказда» деган сўз «Олий мактабда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **13-моддадаги** «Марказ» деган сўз «Олий мактаб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **14-моддадаги** «Марказ» деган сўз «Олий мактаб» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 169, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2015 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **70-модда биринчи қисмининг диспозицияси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларга ўзбошимчалик билан иморатлар қуриш, фойдали қазилма қонларини экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда кон назорати органилари билан келишмай туриб ишга солиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш талаблари ва тартибини бузиш, ер қаьридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги талабларини бузиш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидаларини ва табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш талабларини бажармаслик, ер ости сувлари режимини кузатиш учун қазилган қудуқлари, маршейдерлик ва геологик белгиларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, худди шунингдек умумтарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш қоидаларини ерга эгаллик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар томонидан бузиш»;

2) 97-модданинг:

номи куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«97-модда. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органилари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузиш»:

биринчи қисмининг диспозицияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органилари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузиш»;

3) куйидаги мазмундаги **97-модда** билан тўлдирилсин:

«97-модда. Истироҳат боғларининг аттракционларидан фойдаланишда қонун ҳужжатлари ва техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бузиш»:

Истироҳат боғларининг аттракционларидан фойдаланишда қонун ҳужжатлари ва техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бузиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти

бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **98-модда:**

биринчи қисми куйидаги таҳрирда баён этилсин: «Саноатда ва Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органилари назорати остидаги бошқа объектларда портловчи ҳамда радиоактив материаллари (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини, нормаларини ҳамда йўриқномаларини бузиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санцияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **260-модда** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«260-модда. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг органилари

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг органиларига ушбу Кодекснинг 55-моддасида, 70-моддасида (ер қаьридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги қисмида), 97, 97', 98-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органилари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тарихисидаги маъмурий жазо чорасини қўллагшга куйидагилар ҳақи:

Давлат қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваригача миқдорда;

инспекцияларнинг бошқалари ва уларнинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

кон-техник инспекцияларнинг ва худудий бошқармаларнинг бошқалари ҳамда уларнинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

давлат инспекторлари – энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда»;

6) куйидаги мазмундаги **260'-модда** билан тўлдирилсин:

«260'-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясига ушбу Кодекснинг 70-моддасида (бундан ер қаьридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги қисми мустасно), 71-моддасида (бундан табиатни муҳофаза қилиш қоидалари мустасно), 72-моддасида (ер ости сувларига доир қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тарихисидаги маъмурий жазо чорасини қўллагшга куйидагилар ҳақи:

инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосари – энг кам иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда;

минтақавий инспекциялар бошқалари ва уларнинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг етмиш бараваригача миқдорда;

инспекторлар – энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда»;

7) **261-модданинг биринчи қисми** куйидаги таҳрирда баён эти

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Баъзи давлат органилари ва ташкилотларининг фаолияти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

«38’-модда. Қимматбаҳо металлари олтин изловчилар усулида кавлаб олишни амалга ошириш

Тадбиркорлик таваккалчилиги асосида қимматбаҳо металлари олтин изловчилар усулида кавлаб олишни амалга ошириш мақсадида ер қаъри участкалари юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

Қимматбаҳо металлари олтин изловчилар усулида кавлаб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун ер қаъри участкалари, шу жумладан ўлчамлари 1 гектардан ортиқ бўлмаган сочма олтин конлари ер ости кон қазилмалари йўлақарисиз ва портловчи моддалардан фойдаланган ҳолда хавфсиз (йўл қўйладиған) чуқурликча берилади.

Ер қаъридан фойдаланувчилар ишларни олиб бораётганда қимматбаҳо металлари ажратиб олишинг рудани фақат майдалашни ва гравитация усулини қўллаш ҳуқуқига эга.

Кимёвий реагентлар қўлланилган ҳолда қимматбаҳо металлари ажратиб олиш технологиясидадан фойдаланиш тақиқланади»;

21) **42-модда биринчи қисмининг ўзбەка матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **45-модда:**
биринчи қисмидаги «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» деган сўзлар «янги аниқланган қонда фойдала қазилмадан захиралари тасдиқланган санадан эътиборан бир йил давомида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг ўзбەка матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **50-модданин биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан ишлаб чиқариш назорати ер қаъридан фойдаланувчиларининг геологик, маркшейдерлик ёки техник хизматлари томонидан, бу каби хизматлар мавжуд бўлмаган тақдирда эса тегишли мутахассислар жалб этилган ҳолда амалга оширилади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **69-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларини ва Сенатда доимий асосда ишлаган Сенат аъзоларини ваколатлари муддати тугаганидан кейин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тарқатиб юборилган тақдирда ишга жойлаштириш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади»;

2) **106-модданин 2-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2) шу ишни илгари бажариб келган ходим иши тикланган тақдирда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенатда доимий асосда ишлаган Сенат аъзоси ваколатлари муддати тугаганилиги ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати тарқатиб юборилганиги муносабати билан аввалги лавозимига (ишига) қайтган тақдирда»;

3) **165-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўдирилсин:

«Қорхоналарнинг, муассасаларнинг ёки ташкилотларнинг раҳбарлари ўз ваколатларини ишлаб чиқаришдан ёки хизмат фаолиятидан ажралмаган ҳолда амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосини у сенаторлик мажбуриятларини бажараётган вақтда унинг иш жойи (лавозими) сакланган ҳолда ишдан озод қилиши шарт. Сенаторлик вазифаларини бажараётган вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг ўртача иш ҳақи сакланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосига ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътили берилади, бундан қонун ҳужжатларида кўпроқ муддатли таътил назарда тутилган ҳоллар мустасно. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатиға ҳар йилги меҳнат таътили, қонда тарихасида, Қонунчилик палатасининг сессиялари оралиғидаги даврда берилади».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги** 432–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **12-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган парламент сўровига, шунингдек сенаторнинг сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашадиган»;

2) **20-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўдирилсин:

«Қўмиталарнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили иштирок этиши мумкин».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги** 434–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **12-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган парламент сўровига, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатининг сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашадиган»;

2) **20-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўдирилсин:

«Қўмиталарнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили иштирок этиши мумкин».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги** 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **14-модда:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўдирилсин:
«Қонунчилик палатасининг қўмиталаридаги қонун лойиҳаси муҳомамаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили иштирок этиши мумкин»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **32-модда:**

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўдирилсин;
«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган парламент сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашадиган»;

саккизинчи, тўққизинчи ва **ўнчинчи қисмлари** тегишинча **тўққизинчи, ўнинчи** ва **ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **32’-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўдирилсин:
«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Қонунчилик палатаси депутатининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашадиган»;

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги** 523–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **31-модда:**

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўдирилсин:
«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашадиган»;

саккизинчи, тўққизинчи ва **ўнчинчи қисмлари** тегишинча **тўққизинчи, ўнинчи** ва **ўн биринчи** қисмлар деб ҳисоблансин;

2) **31’-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили сенаторнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашадиган»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги** 704–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **16-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«16-модда. Депутатнинг ва Сенатда доимий асосда ишлаётган сенаторнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари

Депутатларга, сенаторларга ваколатлари муддати тугаганидан кейин ишга жойлашишга доир кафолатлар берилади. Ваколатлари муддати тугаган, депутатга, сенаторга ўзининг розилиги билан бошқа лавозимдаги иш, шу жумладан юқорироқ лавозимдаги иш ҳам берилиши мумкин.

Депутат, сенатор илгариги иш жойига (лавозимига) қайтган тақдирда, депутатнинг, сенаторнинг аввалги эғаллаб турган лавозимига қабул қилинган шахс билан меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 106-моддасининг 2-бандига мувофиқ бекор қилинади. Қорхона, муассаса, ташкилот қайта ташкил этилган ёки ходимлари сони (штати) ўзгарган тақдирда депутатга, сенаторга ваколатлари муддати тугаганидан кейин илгариги иш жойи бўйича бошқа аввалгисига тенг лавозим берилади. Бунда депутати, сенаторни ишга жойлаштириш мажбурияти ҳуқуқий ворис зиммасига юклатилади.

Қорхона, муассаса ёки ташкилот тўғтилган тақдирда, депутатга, сенаторга ўзининг розилиги билан бошқа қорхонда, муассасада ёхуд ташкилотда иш (лавозим) берилади. Бунда депутати, сенаторни ишга жойлаштириш мажбурияти юқори турувчи орган ёки бошқа ваколатли орган зиммасига юклатилади.

Сайланишига (тайинланишига) қадар, лавозимларга тайинлаш қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга ошириладиган лавозимларда ишлаган депутатларни, сенаторларни ишга жойлаштириш тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Қонунчилик палатаси ва Сенат тарқатиб юборилган тақдирда, депутатга, сенаторга ишдан бўшаиш ойлк нафақаси ҳисобга олинган ҳолда ишга жойлаиш даврида қонунда белгиланган тартибда ўртача оғиш иш ҳақи тўланади.

Депутатнинг, сенаторнинг ваколатлари муддати умумий иш стажига, хизмат муддатиға ва аввалги иختисоси бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланади».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган **«Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги** УРҚ–60-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар) **6-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўдирилсин:
«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили қонун лойиҳаларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати тарқабий бўлинмаларининг, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг яқин ҳамкорлигини таъминлайди, қонун ижодкорлиги фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан ҳамкорлигини ташкил этади».

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнда қабул қилинган **«Суд экспертизаси тўғрисида»ги** УРҚ–249-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 6, 230-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **26-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси давлат суд-экспертиза муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришни ва унга илмий-услубий раҳбарликни амалга оширади».

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқаридаган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишиға қарши курашиш тўғрисида»ги** УРҚ–353-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда) **143-моддаси тўртинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Мазмурий суд ишларини юритиш иштирокчилари ва суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдалар қилиш, стенограмма юритиш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга».

1) **1-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбоши**си қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Республика эпидемияға қарши курашиш фавуқлодда комиссиясининг фаолиятини таъминлайди»;

2) **10-модданин:**

номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«10-модда. Республика эпидемияға қарши курашиш фавуқлодда комиссияси»;

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Давлат-хусусий шериклик шериклик тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4-модда. Давлат-хусусий шерикликинн асосий принциплари

Давлат-хусусий шерикликинн асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги;
давлат-хусусий шерикликин амалга оширишдаги қондалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги;
хусусий шерикни танлашдаги бахслашув ва холислик;
камситишға йўл қўймаслик;
коррупцияға йўл қўймаслик.

5-модда. Давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги принципи

Давлат шериги ва хусусий шерик тенг тарафлардир.

6-модда. Давлат-хусусий шериклики амалга оширишдаги қондалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги принципи

Давлат-хусусий шерикликинн қондалари ва тартиб-таомиллари манфаатдор шахслар учун очиқ, шаффоф ва тушунарли бўлиши керак.
Давлат шериги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган давлат-хусусий шерикликинн қондалари ва тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотдан эркин фойдаланилишини таъминлашни шарт.

7-модда. Хусусий шерикни танлашдаги бахслашув ва холислик принципи

Хусусий шерикни танлашдаги бахслашув ва холислик танловға кўра саралаб олиш механизмларидадан фойдаланиш, давлат-хусусий шериклик қондалари ҳамда тартиб-таомилларини амалга оширишдаги ва холис ҳамда асослантирилган мезонлар асосида мақбул вариант фойдасига қарорлар қабул қилишдаги ҳалоллик ва шаффофлик ҳисобига таъминланади.

8-модда. Камситишға йўл қўймаслик принципи

Камситишға йўл қўймаслик қуйидагиларни таъминлаш орқали кафолатланади:
тендер тартиб-таомиллари иштирокчилари ҳуқуқларининг тенглиги;
хусусий шерикни танлашдаги холислик;
хусусий шерикни танлашдаги очкилик.
Хусусий ташаббусқорларга, талабгорларга, хусусий шерикларга, шу жумладан чет эллик хусусий ташаббусқорларга, талабгорларга, хусусий шерикларга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тенг ҳуқуқлар, фаолиятининг камситиш хусусиятиға эга чоралар қўланилишини истисно этувчи ҳуқуқий режими кафолатланади.

9-модда. Коррупцияға йўл қўймаслик принципи

Давлат-хусусий шериклик қондалари ва тартиб-таомиллариға доир талаблар коррупцияға оид ҳуқуқбузарликларға йўл қўймаслиги ҳамда коррупциянинг ва коррупцияға сабаб бўлувчи омилларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни таъминлашни керак.

2-6б. Давлат-хусусий шериклик соҳасини давлат томонидан

Давлат-хусусий шериклик тўғрисида

(**Давоми. Бошланishi 1, 3-бетларда**).

3-6-б. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари

Давлат шериги ва хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафларидир.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини молиялаштирувчи молиявий ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар ҳам давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари бўлиши мумкин.

Давлат шериги томонидан ваколат берилган давлат қорхоналари ва (ёки) ташкилотлар давлат шериги томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат шеригининг мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда ҳаракат қилиши мумкин. Бунда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун давлат шериги тўлиқ жавобгар бўлади.

Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бир ёки бир неча ташкилотга топшириши мумкин. Бунда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун хусусий шерик тўлиқ жавобгар бўлади.

14-модда. Давлат-хусусий шериклик тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Давлат шериги: хусусий шерикдан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартлари бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот сўраш ва олишга;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларининг бажарилишини назорат қилишга ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилиши натижаларини баҳолашни амалга оширишга;

қонун ҳужжатларига ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш доирасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилишини талаб қилишга;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича хусусий шерик айби билан юзага келган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга; давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш учун масхафатчиларни жалб қилишга ҳақли.

Давлат шериги:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва битим талабларига риоя этиши;

тендер иштирокчиларига тендер ҳужжатларини бериши, уларга тендер ҳужжатлари қондаларини тушунтириши;

тендер иштирокчиларига давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун мўлжалланилаётган жой ва объект билан танишиб чиқиш учун зарур шартларини таъминлашни;

фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулкни хусусий шерикка эгаллик қилиш ва (ёки) фойдаланишга бериши;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни амалга ошириш учун зарур бўлган лицензиялар ва руксатномаларни олишда хусусий шерикка кўмаклашиши;

ваколатли давлат органига давлат-хусусий шериклик тўғрисида тuzилган битимларнинг кўчирма нусхаларини, шу жумладан битимларга доир иловаларни, ўзгартишларни ёки қўшимчаларни давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёҳуд тегишли ўзгартишлар ёки қўшимчалар имзоланган санадан эътиборан йигирма календарь кун ичида тақдим этиши;

хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ўз инвестициялари ва даромадларини эркин бошқариш ҳамда тасарруф этиш ёки активларини ва амалга ошираётган фаолиятини бошқариш ҳамда назорат қилишга доир ҳуқуқларини чеklangаслиги;

хусусий шерик ёки хусусий шерик жалб этган учинчи шахслар томонидан амалга оширилаётган фаолиятга аралашмаслиги; давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва битимда назарда тутилган жавобгарликни зиммасига олиши шарт.

Хусусий шерик:

давлат шеригидан давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган ва эркин фойдаланиладиган ахборотни олишга;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар киритишга; давлат шеригининг айби билан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича юзага келган зарарларнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Хусусий шерик: давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва битим талабларига риоя этиши; давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва битимда назарда тутилган жавобгарликни зиммасига олиши шарт. Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўзига берилган ер участкасини бошқа юридик ва jisмоний шахсларга ўтказишга ҳақли эмас.

4-6-б. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ташаббус қилиш ва тайёрлаш

15-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ташаббус қилиш

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси давлат органи (ташкилоти) (бундан буюн матнда давлат ташаббускори деб юритилади) ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркор ёҳуд юридик шахс (бундан буюн матнда хусусий ташаббускор деб юритилади) томонидан ташаббус қилиниши мумкин.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ташаббус қилиш: давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқишни;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини баҳолаш, келишиши ва тасдиқлаш учун тегишли давлат органига юборишни;

ваколатли давлат органи томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепциясини кўриб чиқишни;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепциясини ваколатли давлат органи томонидан маъқуллашни, рад этишни ёки маромига етказиш учун қайтаришни;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг келишиб олинган концепциясининг давлат шериги ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини ваколатли давлат органи томонидан Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрига киритишни ўз ичига олади.

16-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини давлат ташаббускори томонидан тайёрлаш

Давлат ташаббускори давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини, қоида тариқасида, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинڭ ўз ваколати соҳасига кирувчи устувор йўналишлари бўйича ишлаб чиқади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг оқилоналиги ва самарадорлигини ҳамда бу лойиҳани амалга ошириш мақсадида унинг мақбул шаклини аниқлашни таъминловчи дастлабки молиявий ҳисоб-китоблар асосида, хусусан:

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг молиявий-иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ хусусий шерик томонидан лойиҳалаштирилаётган, барпо этилаётган, молиялаштирилаётган, реконструкция қилинаётган, фойдаланилаётган ёки хизмат кўрсатилаётган давлат-хусусий шериклик объектининг таркиби ва параметрлари;

хусусий шерикнинг қутилаётган инвестициялари ҳажми ва Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларидан таҳмин қилинаётган молиялаштириш ҳажми;

давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг мажбуриятлари; хусусий шерикка кўрсатиладиган давлат кўмагининг турлари; музокаралар ўтказиш мuddатлари;

давлат-хусусий шериклик объектидан фойдаланган ҳолда тақдим этиладиган товарлардан (ишлардан, хизматлардан) фойдаланиш шартлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Аҳолининг, товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчиларининг, улардан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиш мақсадида давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш жамоатчилик мўҳамалари билан бирга олиб борилиши керак.

17-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини хусусий ташаббускор томонидан тайёрлаш

Хусусий ташаббускор давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини ишлаб чиқишга ва потенциал давлат шеригига тақдим

этишга ҳақли. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси мавжуд муаммоларни ҳал қилишга доир инновацион ёндашувни ўз ичига олиши ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаши керак.

Хусусий ташаббускор давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тақдим этишдан олдин дастлабки мўҳомақа ўтказиши, шунингдек потенциал давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида ахборот алмашishi мумкин.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини олган потенциал давлат шериги унинг амалга оширилишини маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида ўттиз календарь кун ичида қарор қабул қилади.

Хусусий ташаббускорнинг умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепцияси маъқулланган тақдирда, потенциал давлат шериги ушбу концепцияни ваколатли давлат органига келишиш учун юборади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

хусусий ташаббускорнинг талабгорларга нисбатан қўйиладиган, ушбу Қонунда белгиланган талабларга мос келмаганилиги;

потенциал давлат шеригида давлат-хусусий шериклик объектига нисбатан ҳўжалик юритиш ҳуқуқининг ёки оператив бошқарув ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги;

давлат-хусусий шериклик объектини лойиҳалаштириш, қуриш, барпо этиш, молиялаштириш, реконструкция қилиш, ундан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш заруриятининг мавжуд эмаслиги; лойиҳани амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги ва (ёки) бунга ижтимоий эҳтиёжнинг мавжуд эмаслиги.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси тасдиқланган тақдирда, потенциал давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини ҳамда бошқа талабгорларга давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш тақлифини ўзининг расмий веб-сайтида, ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ва бошқа махсус веб-сайтларда беш календарь кун ичида эълон қилади.

Агар давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси эълон қилинган пайтдан эътиборан қирқ беш календарь кун ичида потенциал давлат шеригига бирор-бир якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилмас, потенциал давлат шериги ушбу Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилади ва хусусий ташаббускор билан музокараларни ўтказишга киришади, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини ваколатли давлат органи билан келишда ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси ваколатли давлат органи билан келишиб олинган кундан эътиборан олтимиш кун ичида хусусий ташаббускор билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида тендер ўтказмаган ҳолда битим тузади.

Агар бирор-бир якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилса, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун хусусий шерикни аниқлаш тендер асосида амалга оширилади.

Хусусий ташаббускорга давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш билан боғлиқ ҳаракатларнинг ўрни давлат-хусусий шериклик лойиҳаси умумий қийматининг бир фоизидан ортиқ бўлмаган миждорда тендернинг голиби ёки захирадаги голиби ҳисобидан қопланиши мумкин.

18-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш тегишли давлат органи (ташкилоти) томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ ўн миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш тегишли давлат органи (ташкилоти) томонидан ваколатли давлат органи билан келишувга кўра амалга оширилади.

Умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси тасдиқланганидан ва у Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрига киритилганидан кейин давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш тўғрисида ўттиз календарь кун ичида қарор қабул қилади.

19-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестри

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестри амалга оширилаётган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлари ва ахборотни ўз ичига олган ягона ахборот тизимидир. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестри Интернет жаҳон ахборот тармоғига जोйлаштириладиган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсидир. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестри ваколатли давлат органи томонидан юритилади. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

20-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги ахборот

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги, шу жумладан уларнинг концепцияси, хусусий шерикларни танлаб олиш шартлари ва мезонлари ҳақидаги ахборот, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг асосий қондалари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнлари ҳақидаги маълумотлар давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши керак.

5-6-б. Хусусий шерикни танлаш

21-модда. Давлат тусусий-шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи учун тендер

Давлат шериги тендер ёки тўғридан-тўғри музокаралар натижалари бўйича аниқланадиган хусусий шерик билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузади.

Тендерлар бир босқичли ёки икки босқичли бўлиши мумкин. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича бир босқичли тендер ўтказилади.

Бир босқичли тендерни ўтказиш чоғида тендер иштирокчиларининг тендер ҳужжатларига кўрсатилган қонуентул қарорлар ва шартлар асосида батафсил техникавий тақлиф ва тижорат (молиявий) тақлифи, баҳоси (тарифи) албатта кўрсатилган ҳолда ишлаб чиқилган бюртмалари (тақлифлари) кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади. Тендерни ташкил этиш жараёнида талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади.

Бир босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили қуйидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни оммавий ахборот воситаларида ҳамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш; тендерда иштирок этиш учун талабгорлардан расмий бюртмалар ва тендер бюртмаларини (тақлифларини) олиш; тендер ҳужжатлари тўпламини тақдим этиш; талабгорларнинг тендер бюртмалари (тақлифлари) солинган конвертлари очиш; тендер бюртмаларини (тақлифларини) баҳолаш; тендернинг голибини ва захирадаги голибини аниқлаш; тендер голиби билан музокаралар ўтказиш; тендер голиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш.

Тендерда иштирок этиш учун тендер бюртмаларини (тақлифларини) бериш мuddати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан ўттиз календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича икки босқичли тендер ўтказилади.

Икки босқичли тендер дастлабки малакани аниқлаш ва тендер голибини саралаш босқичларини ўз ичига олади.

Икки босқичли тендер қуйидаги тартибда ўтказилади: биринчи босқичда бюртмалар кўриб чиқилади ҳамда тендер ҳужжатлари шартларида кўрсатилган концептуал ва техник ёчимлар

асосида ишлаб чиқилган тендер тақлифлари баҳоланади. Талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади;

иккинчи босқичда тендер предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳо (тариф) албатта кўрсатилган ҳолда киритилган техникавий тақлифларни ва тижорат (молиявий) тақлифлари кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади.

Икки босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили қуйидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни оммавий ахборот воситаларида ҳамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

талабгорлардан тендерда иштирок этиш учун расмий бюртмалар олиш;

тендерда иштирок этиш учун манфаатдор шахслар доирасини белгилаш;

давлат шериги томонидан тендерда иштирок этиш учун талабгорларга дастлабки малака ҳужжатларини юбориш;

талабгорларнинг малакасини тасдиқловчи дастлабки малака бюртмаларини йиғиш ва баҳолаш;

дастлабки малакалашдан ўтган талабгорларнинг рўйхатини шакллантириш;

тендерда иштирок этиш учун давлат шериги томонидан тендер ҳужжатларини ва тендер бюртмаларини (тақлифларини) тақдим этишга доир сўров юбориш;

тендерда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан техникавий тақлифлари ва тижорат (молиявий) тақлифларини тақдим этиш;

тендерда иштирок этиш учун талабгорларнинг тендер бюртмалари (тақлифлари) солинган конвертлари очиш;

тендер бюртмаларини (тақлифларини) баҳолаш;

тендернинг голибини ва захирадаги голибини аниқлаш;

тендер голиби билан музокаралар ўтказиш;

тендер голиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш.

Дастлабки малакалашда иштирок этиш учун бюртмалар йиғиш мuddати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан ўттиз календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

Дастлабки малакалашни ўтказиш учун камида иккита талабгорнинг иштирок этиши зарур.

Голибни танлаб олиш босқичида давлат шериги дастлабки малакалашдан ўтган талабгорларга тендер бюртмаларини (тақлифларини) тақдим этиш ҳақида сўровни ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини юборади.

Тендер бюртмаларини (тақлифларини) бериш учун сўнгги мuddат тендер бюртмаларини (тақлифларини) тақдим этишга доир сўровда кўрсатилган ва у дастлабки малакалашдан ўтган талабгорларга ушбу сўров юборилган санадан эътиборан қирқ беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Талабгорлардан ҳеч бири биттадан ортиқ тендер бюортмасини (тақлифини) тақдим этишга ҳақли эмас. Талабор тендер комиссиясига тендер бюртмаларини (тақлифларини) тақдим этиш мuddати туғануғига қадар исталган вақтда тендер бюртмасини (тақлифини) ўзгартириши ёки қайтариб олиши мумкин.

Тендер бюртмаларини (тақлифларини) баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган мuddат ичида ўтказилади. Бюртмаларни (тақлифларни) баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган ҳар бир тендер мезони бўйича амалга оширилади.

Тендер иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари тендер бюртмаларини (тақлифларини) баҳолашда ҳозир бўлишга ҳақли эмас. Баҳолаш жараёнида тендер комиссияси талаборларни тушунтириш бериш, улардан қўшимча маълумотларни сўраб олиш ва тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилигини тасдиқлаш учун чақириш ҳуқуқига эга. Тендер янъларини чиқариш чоғида тендер иштирокчилари ва (ёки) уларнинг ишончли шахслари иштирок этиши мумкин.

Тендер комиссияси барча талабгорларнинг тендер бюортмаларини (тақлифларини) тендер тақлифларининг сўрови талабларига ноумвофиқ деб топан тақдирда, тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва такоррий тендерни эълон қилишга ҳақли. Такоррий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

Тендер комиссияси тендер голиби тўғрисидаги ахборотни давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилади.

Талабгорларнинг тендерда иштирок этиши муносабати билан қилган ҳаракатларининг ўрни қопланмайди, бундан ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

22-модда. Тендер ҳужжатлари

Давлат шериги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи учун тендер ўтказишни тартибга солувчи тендер ҳужжатларини тайёрлайди, ваколатли давлат органи билан келишади, тасдиқлайди.

Тендер ҳужжатларида қуйидагилар акс эттирилиши керак:

талабгорларнинг малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларга доир талаблар;

Кун воқеалари

қисқа сатрларда

Давлатимиз раҳбарининг "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг Бекобод шаҳридаги ижросини таъминлаш мақсадида "Очиқ бюджет" — "Openbudget.uz" электрон сайти ишга туширилди.

Эндиликда Халқ банкининг пенсионерлар учун Uzcard карталаридан нақд пул ечи олишда комиссия фоизлар ундирилмайди.

Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани ҳокимлиги биноси қаршисида улкан Давлат байроғи қад ростлади. Байроқ тутқичи ва устуни билан биргаликда 28 метрни ташкил этади.

Сирдарё вилоятининг Оқолтин тумани "Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғинида 120 ўринга мўлжалланган "Sirdaryo Baraka jamoatlagi" масъулияти чекланган шевари тикувчилик корхонаси иш бошлади.

Канн халқаро кинофестивалида Ўзбекистон миллий павильони ташкил этилади. Бу ҳақда Кинематографияни ривожлантириш марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Халқ таълими вазирлиги БМТнинг Гибъханд моддалар ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда "Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш" мавзусида анжуман ташкил этди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан "Робототехника ҳамма учун" мавзусида имконияти чекланган ёшлар учун тадбир ўтказилди.

Янги қонун лойиҳаси

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида айрим қонун лойиҳалари қатори "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси муҳокама қилинди.

Жисмоний шахсларнинг хорижда ҳисобварақлар очиши бўйича чекловлар олиб ташланади

Айтиш жоизки, мазкур ҳужжат валюта сибсатини янада либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароит ва адолатли тизим яратишга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Қонун лойиҳасида валютани тартибга солиш соҳасидаги давлат сибсатини амалга оширишда иқтисодий чораларнинг устуворлиги, валюта операциялари давлат органларининг ноқонуний аралашувиغا йўл қўймаслик, валюта курсини аниқлашда фақатгина бозор механизmlарини қўллашга қаратилган нормалар акс этмоқда. Хусусан, унда халқаро тажрибадан келиб чиқиб, ташқи савдо операциялари бўйича активларни репатриация қилиш тушунчаси, шунингдек, унга бўлган талаблар киритилмоқда. Активлар репатриацияси, бу — норезидент мажбуриятларининг бажарилиши ҳисобига активларнинг Ўзбекистон Республикасига келиб тушишини таъминлаш ҳисобланади. Валюта операциялари турларини аниқлаш мақсадида, норезидент мажбурияти юзасига келган санадан бошлаб ташқи савдо операциялари бўйича репатриация муддати 180 кундан ошган тақдирда, мазкур операция капитал ҳаракати операцияси сифатида таснифлангани белги-ланмоқда.

Шу билан бирга, резидент жисмоний шахсларнинг хорижда ҳисобварақлар очиши бўйича чекловлар олиб ташланапти. Халқаро тажрибага мувофиқ, жисмоний шахсларнинг чет элдаги ҳисобварақларини назорат қилишнинг имкони йўқлигини ва шу сабабли чекловлар ўрнатилиши мазмунан ҳеч қандай натижа бермаслигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу норма киритилмоқда. Норезидентлар жорий халқаро операциялар бўйича чет эл валютасини сотиш ва сотиб олишлари мумкинлиги белги-ланмоқда. Норезидентлар томонидан жорий халқаро операциялар учун

хорижий валютанинг сотиб олиниши ва сотилиши ХВЖ (Халқаро валюта жамғармаси) тавсияларига асосан, алоҳида норма сифатида киритилмоқда. Шу билан бирга, ушбу норма мамлакатимизда инвестициявий муҳитнинг ахшилланишига ва тўғридан-тўғри хорижий сармоялар оқимининг кўпайишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, валюта операцияларини соддалаштириш мақсадида бир қатор нормалар белги-ланмоқда. Жумладан, Марказий банк томонидан резидент жисмоний шахсларга нақд хорижий валютани олиб чиқиб кетишга рухсатнома бериш тартиби бекор қилинапти. Лойиҳада эндиликда 100 миллион сўм эквивалентидан ортиқ нақд пул маблағларини олиб чиқишда жами олиб чиқилаётган сўмга декларация қилиниши белги-лаб қўйилмоқда. Шунингдек, резидентлар ўртасида хорижий валютада операциялар, уларнинг фаолияти ва жойлашган жойидан қатъи назар, амалга оширилиши мумкин бўлган ҳолатлари белги-ланаётир. Амалдаги тахрирда резидентлар ўртасида фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги валюта операциялари назарда тутилган. Янги тахрирда эса ҳудудий жиҳатдан эмас, балки резидентлик мақомидан келиб чиққан ҳолда валюта операциялари амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Умуман айтганда, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши валюта операцияларини амалга оширишда резидентлар ва норезидентларнинг чет эл валютасидаги маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўйбўга қириш, барча ташқи савдо қатнашчиларига адолатлик тамойили асосида тенг шароитлар яратиш имконини беради.

Абдуғани УМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Маҳалла сайлови

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

Юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови юқори савияда ва демократия тамойиллари асосида ўтказилмоқда. Худуд бўйича жами 1094 та маҳалла бўлиб, навбатдаги сайлов Тайлоқ туманидаги Гулба маҳалласида аҳолининг фаоллигида ўтди.

Маҳаллада сайловни ўтказувчи ишчи гуруҳ раиси С. Қаримов сайлов ва овоз бериш тартибларини тушунтирди. Йиғилишда раёсат, санақ комиссияси сайлаб олинди.

Мазкур маҳалла раислигига рўйхатга олинган номзодлар Моҳигул Давронова ва Раҳматулло Меликулов вакилларни ўзларининг дастури билан таништирди. Кейин 364 нафар вакилдан 292 нафари сайловда қатнашаётгани маълум қилиниб, уларга бюллетенлар тарқатилди.

Яқинда М. Давронова 184 та, Р. Меликулов 66 та овоз тўплагани ҳамда 42 та бюллетен

ярқосиз деб топилгани маълум бўлди. Шу тариқа энг кўп овоз олган Моҳигул Давронова "Гулба" маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

Ишчи гуруҳ раиси фуқаролар йиғини кенгашини шакллантириш, раис маслаҳатчилари ҳамда тегишли комиссиялар аъзоларини сайлаш учун 18 май кунги фуқаролар йиғини йиғилиши ўтказилишини маълум қилди.

Андижон вилоятидаги мавжуд 880 та маҳаллада ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ушбу муҳим тадбирда пухта ҳозирлик қўрилди. Шу жумла-

дан, сайловларни изчил ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида тузилган кенгашлар, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар самарали фаолият олиб борди. Бундан асосий эътибор жараён шартлоқлиги ва қонунийлигини таъминлашга қаратилди.

Андижон шаҳридаги 24-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган сайловда вакиллар ушбу тадбирни ташкил этиш ва ўтказишга оид маълумотлар билан яқиндан танишдилар.

"Маориф" маҳалла фуқаролар йиғини раислиги учун овоз берилган мазкур тадбирда дастлаб бу галги сайловнинг

аввалгиларидан фарқи ҳамда афзал жиҳатлари хусусида гап-риб берилди. Сўнгра уч нафар номзод ўз дастурлари билан таништирди. Овоз бериш ёпиқ тарзда амалга оширилди. — Маҳаллада 5205 киши иштикомат қилади, — дейди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи ҳудудий комиссия раҳбари Нуртожи Эралиева. — Шулардан 3200 нафари сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролардир. Овоз бериш кўзда тутилган 384 нафар вакил ташриф буюриб, ўзлари лозим деб топган номзодга овоз бердилар. Шу ўринда айтиш керакки, мамлакатимизнинг барча ҳудудида сайловчилар ва бошқа аҳоли учун зарур қўлайликлар ҳамда шарт-шароит яратилган. Масалан, яширин овоз бериш хоналари, она ва болалар хоналари фаолияти йўлга қўйилган. Тиббий хизмат ҳамда овқатланиш учун ҳам имкониятлар мавжуд.

Умид СОРИЕВ, Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН ИШСIZ ФУҚАРОЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИГА ҚАБУЛ. KOICA Korea International Cooperation Agency. 71-251-19-03, 71-251-26-91.

UZBEKISTAN airways «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ. «ISLOM KARIMOV NOMIDAGI TOSHKENT XALQARO AEROPORTI» ДУК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА. 71-283-42-18, 71-283-42-17.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси республика олий таълим муассасалари учун эълон қилинган 2019 йилги стипендия танловининг якуний натижаларини маълум қилади.

2019 йил 15|16|17 май Тошкент шаҳри, «Ўзэкспомарказ». ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ ВА ГАЗИ 23-халқаро кўргазмаси. ONLINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ.

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК «AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори. Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда. 71-283-42-18, 71-283-42-17.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.